

**КРЕДИТ ШАРТНОМА №\_\_\_\_\_**

(Бизнес-овердрафт кредит маблағи ажратиш бўйича)

«\_\_\_\_» 20\_\_ йил

(тузилган жой)

Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ (бундан буён матнларда "Кредитор" деб номланади) номидан "\_\_\_" \_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги №\_\_\_\_\_-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси/БХО бошлиги \_\_\_\_\_ бир тарафдан ва (бундан буён матнда «Қарз олувчи» деб юритилувчи) \_\_\_\_\_ номидан Низом (*Гувохнома, Ишончнома*) асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи тарафдан, ушбу шартномани (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуидагилар тўғрисида туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1 Мазкур шартномага мувофиқ кредитор қарз олувчига 12 ой муддатгача кредит линия очиш, ҳар бири 3 ой муддатдан ошмаган миқдорда кредит тақдим қилиш мажбуриятини, қарз олувчи эса линия миқдоридан келиб чиқиб, мазкур шартнома шартларига мувофиқ таъминот билан таъминлаш, линия бўйича олиниши назарда тутилган кредитлар тани, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, шартномага асосан юзага келадиган бошқа тўловларни шартномага илова қилинган қайтариш графигига асосан тўлаш мажбуриятларни олади.

**2. Умумий қоидалар**

2.1 Мазкур шартномага асосан қарз олувчи шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган миқдоргача кредит олиши мумкин.

2.2 Ажратиладиган кредит мазкур шартномага асосан қийматидан келиб чиқиб, линия доирасида ҳар бирининг муддати 3 ойдан ошмаган ҳолда тақдим қилинади.

2.3 Кредит шартномасига асосан ўрнатилган лимит доирасида кредит линияларидан фойдаланиш муддати шартнома имзоланган санадан бошлаб шартнома тугашига 3 ой қолгунича амал қиласи. Бу муддат тугаганидан сўнг қарз олувчи кредит линиялари (транш) очиш кредит маблағини олиш хуқуқини йўқотади.

2.4 Ҳар бир транш қарз олувчи томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқномаси асосида ссуда ҳисобварағидан қарз олувчининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказиш билан ажратилади. Кредитни ажратиш санаси кредит суммасини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказилган сана бўлиб ҳисобланади.

2.5 Кредит шартномага асосан белгиланган лимит доирасида дастлабки ажратилган кредит (транш) тўлиқ сўндирилмагунча кейинги транш бўйича кредит маблағини ажратилмайди.

2.6 Кредит қайтаришлик, тўловлилиқ, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

2.7 Кредит маблағлари **банкнинг ўз маблағлари/хорижий линия маблағлари (линия номи ёзилади)** ҳисобидан ажратилади.

2.8 Қарз олувчи кредитор томонидан тақдим этилган кредитдан фақат хом-ашё, тайёр маҳсулотлар сотиб олиш, кўрсатилган хизматлар учун, коммунал, ижара, иш ҳаки, муддатли солиқ тўловларини амалга ошириш, божхона тўловлари, давлат божи, тендерда қатнашиш учун кафолат суммасини тўлаш мақсадларида фойдаланишни ўз зиммасига олади.

2.9 Қарз олувчи кредитор томонидан тақдим этилган кредитдан қуидаги йўналишларда фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) Банк олдиғаги мавжуд қарздорликларни тўлаш;
- b) Бошқа шахсларга қарз маблағларини тақдим қилиш ёки тўлаш;
- c) Қимматли қоғозлар, акциялар сотиб олиш;
- d) Дивиденд тўловларини амалга ошириш;
- e) Иш ҳақидан бошқа мақсадларда ҳисобварағдан нақд пул кўринишида чиқим қилиб олиш;
- f) Юридик шахслар устав фондига улуш сифатида киритиш.

2.10 Қарз олувчи ва/ёки учинчи шахслар кредит бўйича қуидаги таъминотларни тақдим этади {кераксизи истисно қилинсин}:

- a) Қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун {гаров предмети ҳисобланган кўчар мол-мулк} гаровга қўйиш тўғрисида гаров шартномасини тузиш;
- b) Қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун { ипотека предмети ҳисобланган кўчмас мулк} гаровга қўйиш тўғрисида гаров шартномасини тузиш;
- c) {кафил/кафиллар} билан қарз олувчининг кредитор олдиғаги шартнома юзасидан мажбуриятларини бажариш бўйича кафиллик шартномасини расмийлаштириш ва имзолаш.

### 3. Шартнома баҳоси

3.1 Шартномага асосан линия миқдори \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қиласди.

### 4. Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш

4.1 Қарз олувчи юридик шахс–тадбиркорлик субъекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган/рўйхатдан ўтказилган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий лаёқатга эгалигини тасдиқлайди.

4.2 Қарз олувчи кредиторга тақдим этган кредит олиш билан боғлиқ бўлган зарурӣ ҳужжатлар хақиқийлиги, маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳужжатларнинг нусхалари аслига тўғрилигини кафолатлайди.

4.3 Қарз олувчи мазкур шартнома тузилаётган санага қадар бўлган ва кредитор томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатувчи мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни кредиторга тақдим этади.

4.4 Қарз олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган ва кредиторга маълум қилмаган суд ишларида даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида иштирок этмайди.

4.5 Шартнома тузаяётган қарз олувчи хато фикрлар, ёлғон, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли келишув ёки оғир ҳолатларга тўғри келиб қолиши таъсирида эмаслигини тасдиқлайди.

4.6 Тасдиқлаш ва кафолатлар беришга қарз олувчи тўлиқ ҳажмда амал қилиши лозим. Шартномада кўзда тутилган тасдиқлаш ва кафолатлар беришга амал қилинмаган ёки лозим даражада амал қилинмаган тақдирда кредитор қарз олувчига кредит тақдим этишдан бош тортишга ҳақли.

4.7 Қарз олувчи билан алоқа боғлаш усули: мазкур шартноманинг 17 бобида кўрсатиб ўтилган реквизитлар, шу жумладан чекланмаган ҳолда мижознинг юридик манзили \_\_\_\_\_, телефон рақами: \_\_\_\_\_ (вакилнинг уяли алоқа рақами).

4.8 Кредитор билан алоқа боғлаш усули: мазкур шартноманинг 17 бобида кўрсатиб ўтилган реквизитлар, шу жумладан чекланмаган ҳолда 0 800 1 200 200 ҳамда 1256 (пуллик) рақамлар.

## 5. Кредитни тўлаш (қайтариш)

5.1 Қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ қабул килиб олинган кредит {санас} гача қайтарилиши лозим.

5.2 Кредит асосий тани бўйича имтиёзли давр тақдим этилмайди.

5.3 Қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ ажратилган кредит асосий қисми ва фоизлар миллий валютада қайтарилиши лозим.

5.4 Шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчи томонидан олинган кредит у томонидан шартномага илова тариқасида белгиланган (кредитни тани ва фоизларни тўлаш жадвали) тўлов жадвалига мувофиқ қайтарилиши лозим. Кредитни тўлаш ва фоизларни тўлаш жадвали шартноманинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади.

5.5 Қарз олувчи кредиторни олдиндан хабардор қилган ҳолда кредитни тўлалигicha ёки бир қисмини олдиндан тўлашга ҳақли. Бунда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан боғлиқ қўшимча тўловлар ундирилмайди.

5.6 Кредитнинг асосий тани ва фоизлари аннуитет/дифференциал усулда тўланади.

## 6. Кредит бўйича фоизлар

6.1 Қарз олувчи кредитдан фойдалангани учун кредиторга йиллик {фоиз миқдори,} миқдордаги ўзгармас/ўзгарувчан фоизни тўлайди.

Кредит бўйича бир маротабалик комиссион тўлов \_\_ фоизни ташкил этади. (Фақат хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган кредитлар учун). Бир маротабалик комиссион тўлов шартнома суммасига нисбатан, ссуда ҳисоб рақамидан дастлабки маблағ ажратилган кунда миллий валюта сўмда Марказий банкнинг расмий курси бўйича хисобланади.

6.2 Кредитдан фойдаланганилик учун фоизлар йиллик {фоиз миқдори} миқдорида кредит тақдим этилган санадан уни тўлиқ тўлашгacha бўлган санага қадар кунлик ҳисобланади. Фоизларни ҳисоблашда жорий календар йилида кредитдан фойдалангани ҳақиқий кунлар миқдоридан келиб чиқилади.

6.3 Қарз олувчи томонидан кредитдан фойдаланганилик учун фоизлар тўлов хужжатига асосан тўлов жадвалида кўрсатилган муддатларда тўланади.

## 7. Қарз олувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 7.1 Қарз олувчи қўйидаги хуқуқларга эга:

7.1.1 гаров таъминоти юзасидан баҳоловчи ва суғурта компаниясини ўз ихтиёрига асосан танлаш;

7.1.2 кредитдан фойдаланиш, уни сўндириш билан боғлиқ масалалар бўйича кредиторнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш;

7.1.3 шартнома ва қўшимча шартномаларни имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетиш;

7.1.4 шартнома ёки қўшимча шартнома тузилгандан кейин ва пул маблағлари олингунга қадар бўлган даврда кредит олишдан бепул асосда воз кечиш;

- 7.1.5 исталган вақтда жарима санкцияларсиз кредитни муддатидан олдин сўндириш;
- 7.1.6 кредит ажратиш жараёни юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талаб ва қоидалар тўғрисида кредитордан маслаҳатлар олиш;
- 7.1.7 кредитордан шартномада белгиланган шартлар асосида белгиланган миқдорда кредит маблағини ўз вақтида ажратилишини талаб қилиш;
- 7.1.8 кредитор томонидан шартномада кўзда тутилган кредит узрли сабабларсиз ёки кечиктириб ажратилгани учун неустойка тўлашни талаб қилиш;
- 7.1.9 кредит ҳисоб рақамидаги айланмалар тўғрисида маълумотлар олиш;
- 7.1.10 қонун хужжатларида белгиланган низони судгача ҳал қилиш усулларини, шу жумладан музокаралар ўтказиш орқали, қўллаш.

## 7.2 Қарз олувчининг мажбуриятлари:

- 7.2.1 ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинган қайтариш жадвалига асосан тўлаш;
- 7.2.2 кредит маблағларидан фақат шартноманинг 3.8-бандида кўрсатилган мақсадлар доирасида фойдаланиш, шунингдек, шартноманинг 3.9-бандида кўрсатилган мақсадларда фойдаланмаслик;
- 7.2.3 кредитни олишга ва ундан фойдаланишга бевосита алоқадор бўлган молиявий ҳисботлар, шартномалар ва бошқа хужжатлар билан кредиторнинг тўсиқсиз танишишига имкон бериш;
- 7.2.4 кредиторга тўлов муддати келганда қарз олувчининг барча (хар қандай) ҳисобвақларидан олдиндан берилган акцепт билан тўлов хужжати (тўлов талабномаси ёки мемориал ордер) орқали шартномадан келиб чиқадиган хар қандай мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқариш хуқуқини бериш (неустойка ҳам шулар жумласидан). Кўйилган талабнома мазкур шартномага асосан қарз олувчи томонидан акцептланган ҳисобланади.;
- 7.2.5 ўзининг мулкчилик ёки эгалик (ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши, таъсисчилар, бошқарув органларидаги таркибий ўзгартиришлар ва бошқалар) шакли ўзгариши, қайта ташкил этилиши ёки фаолиятининг тўхтатилиши, шунингдек, жойлашган манзилининг ўзгариши, фаолият юритиши учун таъсир этувчи лицензия ва бошқа рухсат берувчи хужжатларининг бекор қилинганлиги, амал қилиш муддатлари тугаганлиги, тўхтатилганлиги, қарз олувчи билан алоқа ўрнатишда фойдаланадиган алоқа маълумотлари ҳамда алоқа усулларининг ўзгариши хақида кредиторни 10 кун аввал ёзма равища хабардор қилиш;
- 7.2.6 ўзининг молиявий ёки мол-мулкига оид ҳолатини ёмонлаштирадиган, унинг тўлов қобилиятига таъсир кўрсатадиган фактлар, шунингдек, кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш учун кўрилаётган чоралар ҳақида кредиторга ёзма шаклда зудлик билан хабар бериш;
- 7.2.7 бегоналаштирилаётган мол-мулк қиймати қарз олувчи активлари баланс қийматининг 25 % дан ортиқ бўлган ва қарз олувчига эгалик хуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк бошқа шахснинг ихтиёрига ўтаётгани ҳақида кредиторни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиш;
- 7.2.8 кредиторни қарз олувчи томонидан очиладиган барча ҳисобвақлари ва бошқа кредит ташкилотларидан жалб қилинаётган кредитлари ҳақида тегишли ҳолат рўй беришидан ва/ёки тегишли ҳаракат амалга оширилишидан 5 иш куни давомида хабардор қилиш;
- 7.2.9 ҳисботлар учун қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатда кредиторга баланс манбалари кўрсатилган ва тегишли маълумотномалар билан бирга молиявий ва статистик ҳисботларни тақдим этиш. Кредиторнинг сўровига кўра, кредитор қарз

олувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб талаб қилиши мумкин бўлган барча зарур маълумот ва хужжатларни, кредит маблағларини мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи хужжатларни (шартнома, ҳисобварақ фактура, юк хати, божхона юк декларацияси ва бошқалар) белгиланган муддатларда кредиторга тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек, 5 иш куни давомида кредит ва унга ҳисобланган фоизни вактида ва тўлалигича тўлашга таъсир қўрсатадиган бошқа ҳолатлар ҳақида кредиторни хабардор қилиш;

7.2.10 шартнома имзоланган санадан 5 иш кунидан кечикмасдан {кераксизи истисно қилинсин}:

- a) кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун {кўчар ёки кўчмас мулк}ка тегишли зарур хужжатларни кредиторга тақдим этиш ёки уларни учинчи шахслар томонидан тақдим этилишини таъминлаш;
- b) шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун гаров/ипотека ҳақида шартнома тузиш ёки шартнома тузишни таъминлаш;
- c) шартномага асосан кредит таъминотига оид барча талабларни бажариш, жумладан, кредит таъминоти сифатида тақдим қилинаётган мол-мулкларни (ёки мулкий хуқуқларни) кредит муддатига суғурта қилиш, гаров шартномаларини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш, ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш ҳамда тақиқ қўйиш ёки таъминот сифатида кафиллик тақдим қилинаётган бўлса, кафиллик шартномаларини қонуний тартибда расмийлаштириш;
- d) ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ҳаракатларни амалга оширишда кредиторга барча зарурий ёрдамни қўрсатиш (барча зарур хужжатларни тақдим этиш ҳам шу жумладан).

7.2.11 ажратилган кредитлар учун 125 фоиздан кам бўлмаган қийматдаги ликвидли бўлган таъминот турларини тақдим қиласи. Кредитор томонидан мониторинг, ундирув давомида ёки бошқа сабабларга кўра қарз олевчи томонидан тақдим қилинган таъминот кредит мажбуриятларини қоплашга етарли эмас, деб топилган тақдирда, етарлича микдорда қўшимча таъминот тақдим қиласи ҳамда уни тегишли тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди;

7.2.12 мазкур шартнома асосида хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит маблағлари ажратилган тақдирда, ушбу кредит маблағлари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри хорижий кредит сифатида тўлиқ ҳажмда амалдаги қонунларда белгиланган тартибда давлат статистика хисботи шаклларида қатъий тартибда акс эттиради;

7.2.13 кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида банкнинг экологик ва ижтимоий менежмент тизими тўғрисидаги Низом ҳамда қарз олевчи томонидан тақдим ҳолларда атроф-мухит ва ижтимоий хатарларни камайтириш бўйича чоратадбирлар талабларига амал ҳам қилиш мажбуриятини олади;

7.2.14 кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига амал қилиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- a)иш жойидаги хавфсизлик нормалари;
- b)болалар меҳнатининг йўқлиги;
- c)ишчилар бандлигига оид камситишларнинг йўқлиги;
- d)мажбурий меҳнатнинг йўқлиги.

7.2.15 қарз олевчи миллий валюта ҳисобидан ажратилган кредит маблағини муддатидан олдин қайтариш учун кредиторни 15 кун олдин хабардор қиласи, шунингдек, кредитор томонидан жалб қилинган маблағни муддатидан олдин

қайтариш бўйича хорижий хамкор томонидан комиссион тўлов белгиланган тақдирда, қарз олувчи ушбу комиссион тўловни тўлиқ қопланишини таъминлайди (кичик тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно);

7.2.16 Кредит шартномаси муддати мобайнида бошқа банкларда ҳисоб варақ очища кредитор билан келишиш;

7.2.17 Банк ҳисоб варақларига хизмат кўрсатиш шартномаси шартларига ушбу кредит шартномаси муддати давомида ўзгартириш киритмаслик.

## 8. Кредиторнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 8.1 Кредитор қўйидаги хуқуқларга эга:

8.1.1 кредитлаш жараёнида кредитор қарз олувчининг молиявий-хўжалик ҳолатини текширишга ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун қабул қилинган гаров предметининг ҳақиқий ҳолатини текшириш;

8.1.2 қарз олувчини лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган тўлиқ ёки кисман хорижий тилда тузилган хужжатлар давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб килиш, кредитни сўндириш жараёнида гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар алломатлари мавжуд операциялар бажарилганда операция ҳақидаги қўшимча маълумотларни, жумладан пул маблаглари манбалари тўғрисидаги маълумотларни олиш юзасидан мижозга мурожаат қилиш ҳамда тақдим қилинган хужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, танишиш учун хужжатларнинг асл нусхалари тақдим қилинишини талаб қилиш;

8.1.3 қарз олувчи томонидан атайн нотўғри бўлган хужжатлар тақдим этилганда ёки қонун хужжатларига мувофиқ сўраладиган хужжатлар тақдим этилмаганда, қарз олувчи жойлашган ери (почта манзили) бўйича ўрганиш, юридик шахс мижознинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш хуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда кредит ажратишни тўхтатиб қўйиш;

8.1.4 кредитор шартномада кўрсатилган ҳолатларга ойдинлик киритиш учун қарз олувчиidan ҳар қандай маълумотни сўраш, тасдиқловчи хужжатларни тақдим этишини талаб қилиш, шунингдек, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

8.1.5 кредит таъминотига оид барча талаблар бажарилгач, кредит суммасини ажратиш;

8.1.6 тегишли тўлов муддатлари бузилганда, кредитор шартнома бўйича кредит тани, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқа тўловларни тўлов хужжатлари (тўлов талабномаси, мемориал ордер) орқали ундириб олиш;

8.1.7 кредитор шартнома бўйича қарздорликни тўлаш учун қарз олувчининг ҳисобварағига тушган пул маблағларини, шу жумладан, қарз олувчи томонидан (олдиндан берилган акцепт) банкка берилган ваколат асосида ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, учинчи шахслар томонидан, шу жумладан, кафиллар томонидан ўтказиб берилган ва тўлов хужжатида кўрсатилган тўловнинг мақсадидан қатъи назар қўйидаги навбатда йўналтиришга ҳақли:

- биринчи навбатда – кредиторнинг мажбуриятларни бажаришга сарфланган харажатларини шу жумладан, ундирув харажатларини қоплаш;
- иккинчи навбатда – неустойкалар (жарима, пеня);
- учинчи навбатда – кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар;

d) тўртинчи навбатда – асосий қарз.

8.1.8 линия доирасида кредит ажратилганда, кредитор қўйидаги холатлардан бири юз берган тақдирда, линия доирасида кредит тақдим қилишни тўхтади:

- a) қарз олувчи мазкур шартнома ҳамда алоҳида шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ўз вақтида ёки лозим даражада бажарилмаганида;
- b) қарз олувчининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлганда;
- c) муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлганда;
- d) таъминотининг бозор баҳоси мажбуриятларни камида 125 фоиз қоплаши учун етарли бўлмаганда;
- e) қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;
- f) банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;
- g) банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;
- h) таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидилигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;
- i) кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига хар қандай усууллар билан тўсқинлик қилиши;
- j) банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;
- k) кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;
- l) кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ маротаба бузилиши;
- m) кредитланётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида шартноманинг 7.2.13 банди талабларининг бузилганлиги;
- n) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки суд томонидан банк лицензияси чақириб олинганда, айрим банк операциялари тўхтатилганда, лицензия амал қилиши вақтинча тўхтатилиши оқибатида вазиятнинг жиддий ўзгариши натижасида.

8.1.9 Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 13.4-бандида кўрсатилган шартномани жиддий бузиш холатлари содир қилинганлиги аниқлаган тақдирда, кредитор шартномани муддатидан олдин бир томонлама ёки суд тартибида бекор қилиб, кредит қарздорликларини қоплаш учун ундирувни кредит таъминотига қаратишга хақли;

8.1.10 қарз олувчи шартномада белгиланган муддатда қарз суммасини муддатида қайтаришга қодир эмаслигидан аниқ-равшан далолат берувчи ҳолатлар аниқланганда, кредитор кредитни тақдим этиш мажбуриятидан воз кечиш;

8.1.11 қарз олувчи кредит шартномаси буйича қарзнинг асосий суммасини қайtариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, кредитор кредит шартномасида назарда тутилган усуулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига етказишга ҳақли;

8.1.12 қарз олувчи – якка тартибдаги тадбиркорнинг ўлимида ёки қарз олувчи – юридик шахснинг қайта тузилишида кредитор қарз олувчининг ҳуқуқий ворисидан кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳамда мазкур шартнома бўйича келиб чиқадиган бошқа тўловларни амалга оширишини талаб қилишга хақли.

## 8.2 Кредиторнинг мажбуриятлари:

8.2.1 қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича гаровда турган мулкни тақиқдан чиқариш ва гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан кредиторнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш;

8.2.2 қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечикирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориш;

8.2.3 кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида (тақдим этилган сўндириш жадвалидан келиб чиқкан ҳолда) хабар бериш.

## 9. Тарафларнинг жавобгарлиги

9.1 Кредитор кредитни асоссиз равишда ўз вақтида ажратмаган тақдирда тўлов кечикирилган ҳар бир кун учун қарз олувчига кредитнинг кечикирилган суммасидан 0,2 фоиз хажмида пеня тўлаш. Ҳисобланган жами пеня микдори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

9.2 Шартнома доирасида келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш учун қарз олувчи мазкур шартноманинг 2.10-бандида қайд этилган таъминотларни тақдим этади ёки тақдим этилиши юзасидан шартномалар тузилишини таъминлайди.

9.3 Қарз олувчи кредит маблағларидан мақсадсиз фойдалангандиги аниқланса, мақсадсиз ишлатилган кредит маблағи суммасига нисбатан 25 фоиз микдорида бир маротабалик жарима тўлайди.

9.4 Қарз олувчи томонидан олинган кредит қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, тўлов муддати ўтган кундан бошлаб, муддати ўтган кредит суммага нисбатан белгиланган фоиз ставкаси 1,5 (бир бутун ўндан беш) баробарга оширилган ҳолда ҳисоблаб ундирилади.

Қарз олувчи кредит тўловларини ўз вақтида тўламаган ҳамда улар юзасидан муддати ўтган қарзлар юзага келган ҳолларда тўлов кечикирилган ҳар бир кун учун банкка муддати ўтган кредит қарздорлигига нисбатан 0,2 фоиз, муддати ўтган фоиз тўловларига нисбатан 0,2 фоиз микдорида пеня тўлайди.

Пеня қарз олувчи томонидан муддати ўтказиб юборилган суммадан тўлов амалга оширилиши керак бўлган кундан қарз олувчи томонидан муддати ўтган мажбурият

бажарилгунга қадар ҳисобланади. Ҳисобланган жами пеня миқдори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

## 10. Шартнома бўйича ҳуқуқлардан воз кечиш

10.1 Кредитор шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқидан тўлалигича ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин.

10.2 Кредитор кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечилган тақдирда учинчи шахсларга, юридик ва молиявий маслаҳатчиларга банк сирини ташкил қиласидан, қарз олувчи ва унинг операциялари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишга ҳақли.

10.3 Қарз олувчи кредитор билан келишмаган ҳолда ўз ҳуқуқларидан воз кечиш ва шартнома бўйича мажбуриятларини қандай шаклда бўлмасин учинчи шахсларга топширишга, ўтказишга ҳақли эмас.

## 11. Коррупцияга қарши қурашиш

11.1 Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.

11.2 Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.

11.3 Агар шартнома тарафларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганлиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

11.4 Хабарни олган тараф ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиқка эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

11.5 Пора бериш эвазига иккинчи тараф вакилини, аффилланган шахсини, ходимини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган тараф иккинчи томонга етказилган заарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

## 12. Бошқа шартлар

12.1 Қарз олувчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш иш куни ичидаги қарз олувчи томонидан берилган ариза ва унга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичидаги кредит шартномаси бўйича қарз олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

12.2 Қарз олувчи кредит мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун қилинган барча харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.

12.3 Мажбуриятларини бузган тараф шартномада кўзда тутилган жавобгарликка қўшимча равишда бошқа тарафга етказилган заарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12.4 Қарз олувчи шартнома бўйича пул мажбуриятлари лозим даражада бажарилишига барча мол-мулки, активлари ва қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлари

тўлиқ ёки қисман бажарилмаганида ҳақиқий қарздорлик суммасини ундиришга қаратилиши мумкин бўлган банклардаги ҳамма ҳисобварагларида маблағлари, шунингдек, шартнома бажарилиши билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан суд ва бошқа харажатлар учун жавобгар бўлишини тасдиқлайди ва кафолат беради.

12.5 Кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошираётган ҳалқаро транзакциялар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бошқа давлатлар қонун хужжатлари доирасида тўхтатиб ёки ишга солинмай (музлатиб) қўйилганда банк жавобгар ҳисобланмайди ва бу мижозни кредит мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

12.6 Гаров предмети сифатида тақдим этилган бирдан-бир туар жой фақат суд тартибида ундирилади ва у оммавий савдолар орқали реализация қилинади (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

12.7 Қарз олувчининг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишида келиб чиқадиган оқибатлар қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланади.

12.8 Тарафлар томонидан бир-бирига жўнатиладиган ҳар қандай хабарнома, талабнома ёки бошқа хатлар ёзма шаклда амалга оширилиши шарт. Бундай хабарнома ёки хат почта, хабарномани олганини тасдиқловчи буюртма хат, факс, электрон манзил орқали почта ва электрон манзилга ёки шартномада кўрсатилган факс рақамига йўлланган хабарномалар лозим даражада жўнатилган деб ҳисобланади. Почта хабари/хати почтадан кўрсатилган манзилда олувчи шахс ўқклиги туфайли белгиси билан қайтарилиган ҳолларда ҳам жўнатилган, деб ҳисобланади.

12.9 Шартномани бажарилишида тарафлар мазкур шартнома шартларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига таянишади.

### **13. Шартноманинг кучга кириши, ўзгартериш ва бекор қилиш тартиби**

13.1 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси банкда, иккинчи нусхаси қарз олувчида сақланади. Қарз олувчи ёки унинг ваколатли вакилига шартнома имзоланган кунда унинг битта асл нусхаси тақдим этилади.

13.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қиласди.

13.3 Шартномага тегишли ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги келишув ёзма шаклда тузилади ва тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

13.4 Қарз олувчи томонидан қўйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаса биттасига йўл қўйилган тақдирда шартномани жиддий бузиш деб ҳисобланади ва бунда кредитор шартномани, қўшимча шартномани бир тарафлама ёки суд тартибида муддатидан олдин бекор қилиши ҳамда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олиши мумкин:

- a) кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда кредитор томонидан ажратилган кредит маблағининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади) ёки кредит маблағини мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи хужжатларни ушбу хужжатлар расмийлаштирилган санадан 10 кун муддат ичida кредиторга тақдим этилмаса;
- b) қарз олувчи томонидан шартнома шартларини бажарилмаслиги, шартномада кўрсатилган тасдиқлаш ва кафолатларнинг бузилиши;
- c) қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;
- d) кредитор розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;

- е) кредитор розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;
- ф) таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлигигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камидаги 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича кредитор талабининг бажарилмаслиги;
- г) кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки кредитор ходимлари(жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўсқинлик қилиши;
- х) кредиторга ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;
- и) кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартнома ва қўшимча шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;
- ј) кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажralmas қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ маротаба бузилиши;
- к) кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида шартноманинг 7.2.13 банди талабларининг бузилганлиги.

## 14. Махфийлик

- 14.1 Шартномани тузиш ва бажариш вактида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.
- 14.2 Шартномани тузиш ва ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тиҷорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни иккинчи тараф ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.
- 14.3 Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда унинг муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил давомида амал қиласди.
- 14.4 Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча заарни тўлиқ ҳажмда қоплади.
- 14.5 Кредитор ўз хукуқлари ва манфаатлари ёки уларни ҳимоя қилиш мақсадида қарз олувчи кредиторга қарз олувчи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этиш (топшириш) учун сўзсиз розилигини билдирган ҳисобланади.
- 14.6 Қарз олувчи кредиторга шартномада кўрсатилган ёки шартнома тузилиши ва бажарилишида кредиторга тақдим этилган қарз олувчининг барча маълумотлари билан ишлаш ва топширишга мазкур шартномага асосан розилигини тасдиқлади. Шу жумладан, шартнома бўйича хукуқий ворислик тартибида кредиторнинг хукуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтганда, уларни учинчи шахсга топширишга ҳам розилик беради. Кафил ва ёки мулкий кафил бундай маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш қарз олувчининг қонун билан муҳофаза қилинадиган банк ва бошқа сирларининг бузилиши бўлиб ҳисобланмаслигига мазкур шартномага биноан розилигини билдирган ҳисобланади.

## 15. Форс-мажор

15.1 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хоҳишига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон ва ҳоказо), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва Банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидағи носозлик, Банкнинг дастурий таъминот тизимиға қилинган таҳдид (хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

15.2 Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартномавий мажбуриятларини бажаришдан озод бўлади. Форс-мажор ҳолати 90 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда шартнома бекор қилиниши мумкин.

15.3 Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги ёки якунланганлиги ҳақида бир тараф иккинчи тарафни 3 иш куни ичида бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Хабарномалар барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

## 16. Низоларни ҳал қилиш тартиби

16.1 Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

16.2 Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, хукуки бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

16.3 Талабнома ёки огоҳлантириш хатини тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

16.4 Келишув йўли билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кредиторнинг филиали/бўлинмаси жойлашган худуддаги судда ҳал этилади.

## 17. Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари

### Кредитор

**Манзили** \_\_\_\_\_

**МФО** \_\_\_\_\_ **ИНН** \_\_\_\_\_  
x\rp \_\_\_\_\_

**Алоқа маркази 0 800 1 200 200**  
**E-mail:** contact@hamkorbank.uz

**Банк вакили** \_\_\_\_\_

**М.Ў.**

### Қарз олувчи

**Манзили** \_\_\_\_\_

**МФО** \_\_\_\_\_ **ИНН** \_\_\_\_\_  
x\rp \_\_\_\_\_  
**Банк** \_\_\_\_\_  
**Телефон** \_\_\_\_\_

**Рахбари** \_\_\_\_\_

**Бош ҳисобчиси** \_\_\_\_\_